

Тикувчилик курси битирувчиларига сертификатлар топширилди



Термиз туман ҳокимлиги, туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳамда Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази билан ҳамкорликда ўқув марказида “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган хотин-қизлар учун тикувчилик йўналишида бепул ўқув курслари ташкил этилган. Мазкур курсларда бугунга қадар туманимизнинг кўплаб тикувчиликка қизиққан аёллари тахсил олишиб, касб-ҳунарни бўлишди.

Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида тикувчилик курсларининг навбатдаги битирувчиларига сертификатлар топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ва Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази раҳбарлари иштирок этиб битирувчиларга сертификатларни тантанали топширишди.

Термиз туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати